

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2025 йил сентябрь ойининг 08 куни жиноят ишлари бўйича Қуйичирчиқ туман суди, Қуйичирчиқ туман Ибрат МФЙ биносидан, очиқ сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи: Ж.Кулдашев,

судья ёрдамчиси Ш.Қахрамоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қуйичирчиқ туман прокурорининг катта ёрдамчиси Х.Бабаев, судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXX ва унинг ҳимоячиси Ж.Назаровнинг иштирокида, XXXXXXXXXXXXXXXXга оид 1-1108-2501/195-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

XXXXXXXXXXXXXX /XXXXXXXXXXXXXX/ - 30.06.1980 йилда Тошкент вилояти, Чиноз туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, мавсумий ишчи, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Наврўз МФЙ, Самарқанд кўчаси 22-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXX 2025 йил март ойини бошларида ўзининг яшаш хонадонидан ўзида мавжуд бўлган каннабис ўсимлиги уруғлари томорқасига эканидан сўнг ушбу каннабис уруғларидан 4 туп каннабис ўсимликлари униб чиққанидан сўнг, тагини юмшатиб, сув қуйиб парваришлаб келган.

Бундан хабар топган туман ИИБ ЖКХ ЖКБ ходимлари 2025 йил 16 май куни соат тахминан 14:30 ларда “Қора дори-2025” кенг қамровли профилактик тезкор тадбири давомида Чиноз тумани, Наврўз МФЙ, Самарқанд кўчаси 22-уйда яшовчи 30.06.1980 йилда туғилган XXXXXXXXXXXXXXXXнинг яшаш хонадони кўздан кечирилган вақтида хонадон томорқасида 4 (тўрт) туп каннабис ўсимликлари парваришланган ҳолда етиштирилаётганлиги аниқланиб, холислар иштирокида баённома тузилиб, далилий ашё тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.



Чиноз тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан берилган маълумотномага кўра, “XXXXXXXXXXXXXXXXнинг хонадони томорқасида супургилар орасига экилган жами 4 (тўрт) туп наша ўсимлигига ўхшаш ўсимликлари ишлов берилиб, парваришлаб келинган”лиги кўрсатилган.

Ўтказилган судга оид кимёвий экспертизасининг 29.04.2025 йил кунидаги №1152-сонли хулосасига кўра, XXXXXXXXXXXXXXXни хонадон томорқасидан олинган 4 (тўрт) туп ҳўл ҳолдаги ўсимлик туплари таркибида фаол гиёҳванд модда тетрогидроканнабинол мавжуд бўлган “каннабис ўсимлиги” тупи деб аталиши кўрсатилган.

“Каннабис ўсимлиги” Ўзбекистон Республикаси гиёҳванд моддаларни назорат қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси гиёҳванд моддаларни ноқонуний айланиши ҳақидаги рўйхатига кўра тақиқланган гиёҳванд воситалар туркумига кириши кўрсатилган. (Вазирлар Маҳкамасининг 27.10.2018 йилдаги №878-сонли қарори).

Судланувчи XXXXXXXXXXXXXXX суд мажлисида, ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2025 йил март ойини охирларида томорқасида ишлаб юрган вақтида 3-4 туп наша ўсимлиги ўсиб чиққанлигини кўрганлигини, шундан сўнг у ушбу наша ўсимлигини юлиб йўқ қилиб ташламасдан, келгусида ўзи истамоқ қилиши учун ушбу тўрт туп наша ўсимликларини тагига сув қуйиб парваришлаб келганлигини, 2025 йил май ойини охирларига келиб ушбу тўрт туп наша ўсимлиги икки тупи анча ўсиб, икки тупи ҳали яхши ўсмаган ҳолатда ўсиб турган бўлганлигини, 2025 йил 26 май куни соат тахминан 14:30 ларда Тошкент шаҳрида жойлашган шифохонага қизи 2024 йилда туғилган XXXXXXXXXXXXXXXни соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли, турмуш ўртоғи XXXXXXXXXXXXXXX билан бирга олиб борганлигини, шу вақтда у шифохонада юрган вақтида ўғли 2005 йилда туғилган XXXXXXXXXXXXXXX унга телефон қилиб, уйига ИИБ ходимлари келганлигини маълум қилганлигини, шундан сўнг ўғлини телефони орқали ИИБ ходимлари билан гаплашганида, ИИБ ходими унга ўзини таништириб, “Қора дори-2025” профилактик тадбири кетаётганлигини шунинг учун уйини икки нафар холислар иштирокида кўздан кечиришларини маълум қилганлигини, шундан сўнг у ўзи шифохонада эканлигини, етиб боролмаслигини, ўғли иштирокида кўздан кечиришларини маълум қилганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари икки нафар холислар яъни кўшнилари XXXXXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXXXX акалар иштирокида яшаш хонадонини кўздан кечирган вақтида, томорқасидан тўрт туп наша ўсимликлари парваришланган ҳолда ўсиб турганлигини аниқлашганлигини ва ушбу 4 тўп наша ўсимликларини холислар иштирокида экспертиза тадқиқоти учун баённомага расмийлаштириб олганлигини билганлигини, шундан сўнг у ИИБ ходимларига учрашиб, уйини кўздан кечирган ҳолати бўйича тузилган ҳужжатлар билан танишиб чиққанлигини ва ИИБ ходимларига ушбу 4 тўп наша ўсимлигини ўчиб чиққан вақтида юлиб олиб йўқ қилмасдан, келгусида 1 истеъмол қилиши учун тагига сув қуйиб парваришлаб келганлигини



маълум қилганлигини, у ушбу гиёҳванд ўсимликларини бирон бир кишидан олмаганлигини, сотмаганлигини ва бирон бир шахсларга бермаганлигини ҳамда бундай мақсади ҳам бўлмаганлигини, у ушбу қилмишидан қаттиқ пушаймонлигини маълум қилиб, суддан унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Гувоҳ **XXXXXXXXXXXXXXXX** суд мажлисида, 2025 йил 26 май куни соат тахминан 12:00 ларда ўзининг яшаш хонадонида шахсий ишлари билан шуғулланиб юрган вақтида уни уйга фуқаролик кийимида шахслар ўзларини ИИБ ЖҚБ ходимлари эканлигини таништириб, унга бир тадбирда холис шахс сифатида қатнашишини сўраганлигини, у фуқаролик бурчи эканлигини билиб, рози бўлганлигини, бу вақтда уни яшаш хонадонида Чиноз тумани, Наврўз маҳалласи, Самарқанд кўчаси, 12-уйда яшовчи **XXXXXXXXXXXXXXXX** уста бўлиб ишлаётган бўлганлигини, кейин ИИБ ходимлари уни ҳам чақиришганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари билан биргаликда унга аввалдан таниш бўлган Чиноз тумани, Навруз МФЙ, Самарқанд кўчаси, 22-уйда яшовчи **XXXXXXXXXXXXXXXX**ни уйига борганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари у ва иккинчи холис Намитдин иккаласига холиснинг ЖПКда 74-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари уларни иштирокида фуқаро **XXXXXXXXXXXXXXXX**ни яшаш хонадонини кўздан кечириш бошланганлигини, ушбу тергов ҳаракатини ўтказишдан аввал ИИБ ходимлари **XXXXXXXXXXXXXXXX**га Чиноз туманида “Қора дори 2025” кенг қамровли профилактик-тезкор тадбири ўтказилаётганлиги, шунинг учун яшаш хонадонида ноқонуний нарсалар бор ёки йўқлигини билиш мақсадида кўздан кечиришини маълум қилганлигини, сўнгра яшаш хонадони ва ёрдамчи хўжаликлари кўздан кечириш бошланганлигини, бу вақтда мазкур уйнинг томорқасида 4 туп парваришланган ҳолда ўстирилаётган, ўткир ҳидли кўкимтир рангдаги кўкнори гиёҳвандлик моддасига ўхшаш бўлган ўсимлик борлиги уларни иштирокида аниқланиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб баённома асосида далилий ашё тариқасида олинганлигини, шундан сўнг у баённома билан танишиб чиқиб холис шахс сифатида имзолаганлигини маълум қилди.

Суд, судланувчи **XXXXXXXXXXXXXXXX**нинг айби, ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳнинг кўрсатувлари, билдирги, “Қора дори-2025” кенг қамровли профилактик-тезкор тадбири давомида кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда кўздан кечирилишини ўтказиш ҳақида қарор нусхаси, ашёвий далилни олиб қўйиш ва кўздан кечириш баённомаси, фотоилова, тушунтириш хатлари, судга оид кимёвий экспертиза ўтказиш қарори ва №1152-сонли экспертиза хулосалари, нарсани далилий ашё деб топиш ва жиноят ишига бириктириш ҳақида қарор, судга оид наркологик экспертиза тайинлаш қарори ва хулосаси, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва



фотоилова, жиноят ишини бир қисмини тугатиш ҳақида қарор ҳамда жиноят иши бўйича тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXX томонидан содир этилган жиноятнинг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан, тақиқланган гиёҳвандлик моддаларини қонунга хилоф равишда экиш ва етиштиришда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги” қайд этилган.

Ушбу Кодекснинг 7, 8-моддаларида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклигига қаратилиши;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги қонун ва Пленум Қарорлари талабларига амал қилиб, судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, шахсини, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, килмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, оилавий роитини, жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсадини,



жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни ҳамда ишнинг бошқа оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларини инobatга олиб, ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан ушбу модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, тайинланган озодликни чеклаш жазоси унинг яшаш жойида ўташ белгилашни ҳамда ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари вақтда уй-жойидан чиқиши чеклашни, унинг зиммасига маҳкумларни назорат қилувчи органларнинг розилигисиз, яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча чеклашлар юклатишни лозим топади

Дастлабки тергов вақтида ашёвий далил деб эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБга вақтинча сақлаш учун топширилган 4 туп (узунлиги 112, 98, 38, 52 см) каннабис ўсимлиги ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг йўқ қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига асосланиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

XXXXXXXXXXXXXXXX /XXXXXXXXXXXXXXXX/ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

XXXXXXXXXXXXXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан билан 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Тайинланган озодликни чеклаш жазоси XXXXXXXXXXXXXXXнинг яшаш жойи, яъни Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Наврўз МФЙ, Самарқанд кўчаси 22-уйда ўташ белгилансин ҳамда ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари вақтда уй-жойидан чиқиши чеклансин.

XXXXXXXXXXXXXXXXнинг зиммасига:

маҳкумларни назорат қилувчи органларнинг розилигисиз, яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча чеклашлар юклатилсин.

XXXXXXXXXXXXXXXXга агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги;

озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш



жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати жазо ижросини назорат қилувчи органларда ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Тошкент вилояти Чиноз туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

XXXXXXXXXXXXXXXXга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Дастлабки тергов вақтида ашёвий далил деб эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБга вақтинча сақлаш учун топширилган 4 туп (узунлиги 112, 98, 38, 52 см) каннабис ўсимлиги ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб 10 сутка ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддатда туман суди орқали Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига апелляция тартибида, 10 сутка ўтганидан сўнг эса кассация тартибида протест ёки шикоят келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

Ж.Кулдашев

